



НОДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР

Аннотация:

Мазкур мақолада нодавлат олий таълим муассасаларида фанларни ўқитишга қўйиладиган замонавий талаблар таҳлил қилинган. Республикамизда таълимни ривожлантириш ва кадрлар тайёрлашнинг назарий ва амалий асослари сифатида “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг аҳамияти таъкидланади. Мақолада таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш, фанлараро интеграция, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш ва талабаларнинг мустақил фикрлашINI ривожлантириш каби асосий йўналишлар ёритилган. Шунингдек, таълим тизимини жаҳон стандартлари билан интеграциялашувнинг аҳамияти таъкидланган. Мақолада таълим жараёнини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар

Нодавлат олий таълим, фанларни ўқитиш, замонавий талаблар, педагогик технологиялар, ахборот-коммуникация технологиялари, фанлараро интеграция, таълим стандартлари, мустақил фикрлаш.

Information about the authors

Xudoyberdiyev Abdumalik,
ISFT институти Самарқанд филиали "Иқтисодиёт ва Ахборот
технологиялари" кафедраси ассистенти

KIRISH

Республикамизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маданий соҳаларда амалга оширилаётган ислохатлар таълимни, кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан янгилаш ва ривожлантиришни талаб этади. Шу боис таълим тизимини замон талаблари даражасида ва эришилган тажрибалар асосида ривожлантириш орқали ўсиб келаётган ёш авлодни жамият ҳаётида фаол иштирок этадиган ҳар томонлама етук ва юксак маънавиятли комил инсонлар қилиб тарбиялаш давлатимизнинг энг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” мамлакатимизда таълимни раванқ топтириш ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш борасидаги ислохатларни амалга оширишнинг назарий ва амалий асосини ташкил қилиб, келгусида таълимни янада ривожлантиришнинг истиқболларини белгиловчи тарихий аҳамиятга молик ҳужжатдир. Бу ҳужжатларда ватанимизнинг келажаги бўлган ёшларни вояга етказиш, уларнинг ўзларидаги мавжуд истеъдод ва иқтидорни намоён этишларига алоҳида эътибор берилган, мамлакатимиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асослари, тамойиллари ва босқичларини белгилаб берганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Миллий мустақиллик ғоялари



сингдирилган бу тарихий хужжатлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида ривожланган мамлакатлар таълим тизимини ўрганишга ҳам кенг йўл очилди. Ўз навбатида хорижий мутахас-сислар ҳам мамлакатимиз таълим тизимида рўй бераётган ислохотларни ўрганиб, уларга ижобий баҳо бермоқдалар. Бу каби ўзаро алоқалар ўз навбатида мамлакатимиз таълим тизимига ривожланган мамлакатлардаги илғор педагогик технологияларни ўз миллий кадриятларимиз нуктаи назари-дан таҳлил қилиб, ўқув жараёнига жорий этишни ҳам тақозо қилмоқда. Зеро, бу каби амалий ишлар мамлакатимиз таълим тизимини жаҳон таълим стандартлари билан интеграциялашувининг асосий белгиларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шундай экан биз таълим жараёнида фанларни педагогик технологиялар асосида ўқитишга эътиборимизни қаратишимиз керак.

METODOLOGIYA

Фанларни ўқитишда мавзулар таркибида кириш ва асосий қисмлар, амалий семинар ва тажрибалар ҳақида тавсиялар, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг рўйхати. Давлат таълим стандартлари талабларидан келиб чиқиб, маълум фанлардан чизма-ҳисоб, курс ишлари ва лойиҳалари ва уларнинг мавзу ва йўналишлари ҳам келтирилиши мумкин. Мавзуларга ажратилган соатлар, мавзулар бўйича қўлланувчи дидактик ва техник воситалар, мавзулар ва бўлимлар бўйича билимини назорат қилиш турлари ҳамда тегишли услубий тавсиялар аниқ кўрсатилиши лозим.

Фанларни ўқитишда фан, техника, технологиянинг сўнги ютуқлари, Республикада жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни таъминлаши, айниқса олий таълимда узлуксиз ўқитиладиган фанларда мавзуларнинг мантиқий кетма-кетлиги, оддийдан мураккабликка, хусусийдан умумийликка ўтиб бориш тамойилларига амал қилиниши шарт. Талабаларнинг мустақил билим олиш, ўқитиш жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этишга, мавзуларнинг бир хил талқинида такрорланмаслигига эътибор берилиши зарур. Фаннинг мақсади тармоқ таълим стандартидан келиб чиққан ҳолда шу ўқув фани ўқитилишидан асосий мақсад нимада эканлиги ёритилади. Мақсаддан келиб чиққан ҳолда шу фан ўқитилиши жараёнида талабаларда қандай кўникма ва билимлар шаклланиши аниқ кўрсатилади.

NATIJA VA MUHOKAMALAR

Фанларни ўқитишга қўйиладиган талаблар:

Тарихийлик. Фан тарихи, ривожланишининг хусусиятларини акс эттириш. Фанга улкан ҳисса қўшган олимлар ва тарихий шахслар ҳаёти ва фаолияти билан таништириш.

Замонавийлик. Фаннинг ҳозирги даражасига мувофиқ билим бериш.

Гуманитарлик. Инсонпарварлик, элпарварлик ва эзгулик ҳояларига амал қилиш.

Халқаро стандарт. Таълим тизими турлича бўлган камида иккита ривожланган хорижий давлатда амалда бўлган мутаносиб ўқув дастурлари билан солиштириш.

Рақобатбардошлик. Ривожланаётган давлатларда амалда бўлган ёки ишлаб чиқиляётган мутаносиб ўқув дастурларига нисбатан илғорлик.

Миллийлик. Марказий осияда яшаган ёки фаолият кўрсатган, ўзбек тилида ижод қилган олимлар ва тарихий шахсларнинг фан ривожланишига қўшган ҳиссасини чуқур ва илмий асосланган тарзда баён қилиш.

Изчиллик. Фан ҳақида систематик, мантиқий муқобил ҳамда олий таълимга тааллуқли мутаносиб фан дастурлари билан мувофиқлаштирил-ганлик.



Жозибаторлик. Талабаларни фанга қизиқтириш ва қизиқишини ўстириш, осондан мураккаб томон баён услубини қўллаш.

Амалийлик. Фанни ҳаёт билан, назарияни амалиёт билан узвий боғлайдиган услубиётига риоя қилиш.

Новаторлик. Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўлидан ривожланиш стратегияси ва Миллий дастур талабларидан келиб чиқиб, новаторлик, янги педагогик технологиялар, таълим соҳаси инновацияларига очиқлик.

Фаннинг тузилиши:

1. Фаннинг номи.
2. Фаннинг мақсади ва вазифалари.
3. Фаннинг мазмуни.
4. Мавзулар режаси.
5. Ўқитиш воситалари, методлари, турлари ва шакллари.
6. Баҳолаш тизими.
7. Фойдаланилган адабиётлар.

Фанлар бўйича билим, кўникма ва малакалар мазмуни, ҳажмини, уларни ўрганиш кетма-кетлиги белгиланади.

Кўникма. Педагог ўз фанининг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ҳамда тармоқ стандартларига мувофиқ равишда шу фан талабаларда қандай кўникма ва билимларни шакллантиришдан келиб чиққан ҳолда ёзиб чиқади.

Билим. Талабалар фанни ўқиб тугатгандан сўнг юқоридаги кўникма ва билимларга эга бўлишлари лозим.

Олий ўқув юртларида фанларни ўқитишга қўйиладиган замонавий талаблар қуйидаги жиҳатларни ўз ичига олади:

- Ўқитишнинг интерфаол ва инновацион усулларида фаол фойдаланиш: Ўқитувчилар интерфаол ва рағбатлантирувчи таълим муҳитини яратишга, жумладан, интерактив технологиялар, мультимедиа, виртуал реаллик ва бошқа замонавий ўқитиш воситаларидан фойдаланишга интилиши керак.
- Амалий йўналтирилганлик: ўқувчилар олинган билим ва кўникмаларни амалиётда қўллашлари учун назария ва реал амалий мисоллар ўртасидаги боғлиқлик зарур.
- Турли хил таълим услублари ва талабаларнинг индивидуал эҳтиёжларини қондириш: Ўқитувчилар ўқувчиларнинг ўрганиш усулларидаги фарқларни тан олишлари ва максимал таълим самарадорлигини таъминлаш учун турли усуллар ва материалларни таклиф қилишлари керак.
- Танқидий фикрлаш ва муаммони ечиш кўникмаларини ривожлантириш: ўқув жараёни ўқувчиларда таҳлил қилиш, баҳолаш ва муаммони ҳал қилиш кўникмаларини ҳамда мустақил ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган бўлиши керак.
- Талабаларни ўқув жараёнига фаол жалб қилиш: Ўқитувчилар дарс давомида ўқувчиларнинг фаол иштирокини рағбатлантиришлари, муҳокама ва ҳамкорликни рағбатлантиришлари, ўқувчиларга мустақил равишда қўшимча материалларни ўрганишлари ва ўрганишларига имкон беришлари керак.



- Баҳолаш ва фикр-мулоҳазалар: Ўқитувчилар талабаларга аниқ ва холис баҳо беришлари ва ўқувчиларнинг илмий ютуқларини ривожлантириш ва яхшилашга ёрдам бериш учун ўз вақтида фикр-мулоҳазаларини тақдим этишлари керак.
- Таълим мазмунини янгилаш: Педагогик жараён билим ва технология ўзгаришларини ҳамда меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда доимий равишда янгиланиб туриши керак.
- Фанлараро ва мослашувчанликни ривожлантириш: фанларни ўқитиш фанлараро фикрлашни ривожлантиришга ва талабаларнинг турли соҳалардаги ўзгаришлар ва янги талабларга мослашиш қобилиятига ёрдам бериши керак.
- Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш: Ўқитувчилар ахборотни самарали узатиш ва қабул қилиш, шунингдек, онлайн курслар ва масофавий таълим каби замонавий таълим шакллари қўллаб-қувватлаш учун замонавий технологияларни пухта эгаллашлари керак.
- Ўқитувчининг узлуксиз ривожланиши: Ўқитувчилар доимий равишда ўқитувчилик маҳоратини оширишга, ўқитишнинг янги усулларини ўрганишга ва ўз соҳаси бўйича кўшимча билим олишга интилиши керак.

XULOSA

Мазкур мақолада нодавлат олий таълим муассасаларида фанларни ўқитишга қўйиладиган замонавий талаблар таҳлил қилинди. Таълим жараёнини такомиллаштириш учун педагогик технологияларни қўллаш, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, фанлараро интеграцияни ривожлантириш ҳамда талабаларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ошириш каби муҳим йўналишларга урғу берилди. Шунингдек, таълим тизимини жаҳон стандартлари билан интеграция қилиш зарурлиги ва инновацион ёндашувларни жорий этиш аҳамияти таъкидланди.

Мақолада келтирилган тавсиялар замонавий таълим стандартларига мос равишда ўқув жараёнини ташкил қилишга, илғор педагогик технологияларни ўзлаштириш ва уларни амалий жиҳатдан қўллашга йўналтирилган. Бу ўз навбатида, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш билан бирга, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, мақолада таълим жараёнида ўқитувчилар ва талабалар ўртасидаги интерактив мулоқотни фаоллаштириш, фанларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини талаба онгига сингдириш, назария ва амалиёт ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш каби муҳим жиҳатлар кўриб чиқилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, фанларни ўқитиш жараёнида инновацион ёндашувлар, замонавий технологиялар ва ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш орқали нодавлат олий таълим муассасалари ўз фаолиятини янада такомиллаштириши, юқори малакали кадрлар тайёрлашда муҳим натижаларга эришиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Т., 2003.
2. Абдалова С., Мавлянов А. Мустақил таълимни ташкил этиш технологияси. -Т.: Фан ва технология, 2009. - 91 б.
3. Мавлянов А., Абдалова С., Юсупова Л. Интерфаол усуллардан фойдаланиб ўтиладиган машғулотларда таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашини ривожлантириш. -Т.: Фан ва технология, 2009. - 102 б.



4. Мавлянов А., Жавлонов Ш., Абдалова С., Юсупова Л. Педагогик технология тамойиллари асосида дарс машғулотларини олиб бориш техноло-гияси. -Т.: Ворис, 2010. -112 б.
5. Ergashevich, E. A. (2024). TEACHER'S PREPARATION FOR TRAINING TRAINING AND TYPES OF TRAINING TRAINING. *Excellencia: International Multi-disciplinary Journal of Education* (2994-9521), 2(1), 280-286.
6. Ergashevich, E. A. (2024). STRUCTURE OF A SAMPLE TRAINING COURSE AND MODERN REQUIREMENTS FOR IT. *Excellencia: International Multi-disciplinary Journal of Education* (2994-9521), 2(1), 309-316.
7. Ergashevich, E. A. (2024). THE ROLE OF BLOOM'S TAXONOMY IN DETERMINING PEDAGOGICAL OBJECTIVES IN THE PROCESS OF EDUCATIONAL LESSONS. *American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education* (2993-2769), 2(1), 264-270.
8. Эрназаров, А. Э. (2022). Oliy ta'lim muassasalarida pedagoglarning o „quv mashg „ulotiga tayyorgarligi bosqichlari, shakllari, komponentlari va mezonlari. *Sohibqiron yulduzi. Ijtimoiy-tatixiy, ilmiy va ommabop jurnal.*–*Qapuu*, (1), 188-193.
9. Ergashevich, E. A., & Mado, A. (2024). Methodology of Organizing and Implementing Training Activities. *Academia Open*, 9(1), 10-21070.
10. ЭРНАЗАРОВ, А. Э. (2024). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР. *Miasto Przyszłości*, 45, 680-683.
11. Sattarovich, G. A. (2024). TEXNIKA TA'LIM YO 'NALISHIDAGI TALABALARGA FIZIKA FANINI KEYS TEXNOLOGIYASIGA ASOSIDA O 'QITISH. *worldly knowledge conferens*, 8(1), 833-835.
12. Avliyakov, N. H., Axmetjanov, M. M., Tojiyev, M., & Musayeva, N. N. (2018). Ta'lim texnologiyalari. *Fan va texnologiya.*–Toshkent, 341.
13. Goipova, N. B. (2024). Inklyuziv ta'lim. *Gospital pedagogika*”. Namangan.
14. Qonuni, O. Z. R. (2020). Ta'lim to 'g 'risida. O 'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi., O'RQ-637-son, Toshkent sh, 23.
15. Olimov, Q., Abduqudusov, Q., Uzoqova, L., Ahmedjonov, M., & Jalolova, D. (2006). Kasb ta'limi uslubi. Toshkent:«IQTISOD-MOLIYA», 13-23.